

ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ АНЕМИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ



Камалова Феруза Рахматиллаевна, Жуманиязова Махинур Мансурбек кизи
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

МЕДИКО – СОЦИАЛЬНАЯ ОЦЕНКА СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ, СТРАДАЮЩИХ ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ АНЕМИЕЙ

Камалова Феруза Рахматиллаевна, Жуманиязова Махинур Мансурбек кизи
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

MEDICO-SOCIAL ASSESSMENT OF THE DENTAL HEALTH OF CHILDREN SUFFERING FROM IRON DEFICIENCY ANEMIA

Kamalova Feruza Rahmatillayevna, Jumaniyazova Mahinur Mansurbek kizi
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: doktor_feruz@mail.ru

Резюме. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 2 миллиардга яқин одам анемиядан азият чекади. Ахамиятлиси шундаки, бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини маълумотларига қараганда 47,4 % мактабгача ёшдаги, 25,4% мактаб ёшидаги болаларда анемиянинг у ёки бу шакли учрайди. Анемия болалар орасида энг кўп тарқалган касаллик бўлиб, у кўпгина асосий касалликларнинг асорати сифатида юзага чиқади, ҳамда боланинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Калим сўзлар: темир танқислиги анемияси, стоматологик ҳолат, ҳаёт сифати.

Abstract. Anemia - or a low level of hemoglobin in the blood - is not an independent disease, but a symptom that occurs quite often. Around the world, about 2 billion people suffer from anemia. Moreover, most often the symptom is diagnosed in children. According to WHO, anemia is present to some extent in 47.4% of preschool children and 25.4% of school-age children. Anemia has the most significant impact on oral health. Therefore, pediatric dentists should be aware of the peculiarities of the course of oral diseases in children with anemia. Modern research in the field of dentistry is focused on identifying the relationship between oral health and various metabolic and systemic diseases. Anemia among children is one of the most common disorders in the general population and predisposes to various comorbidities and complications affecting general health.

Key words: iron deficiency anemia, dental health, quality of life.

Қириш. Болалар ёшида стоматологик саломатликка таъсир қиладиган факторларни ўрганиш ва уларни вақтида бартараф этиш тиббиётнинг муҳим вазифаларига қиради. Организмнинг умумий соғлиқ ҳолатига баҳо берадиган асосий кўрсаткичлардан бири бу – оғиз бўшлиғи ва тишлар ҳолати эканлиги ҳозирги вақтда сир эмас. Миллат ва давлатнинг юксалиши айнан болалар саломатлиги билан ўлчаниши, ҳамда болалар саломатлиги ҳар қандай ривожланган давлатлар ва жамиятнинг ажралмас бўғини эканлиги барчага маълум. Ҳозирги вақтда стоматология йўналишида олиб борилаётган барча профилактик тадбирлар болалар орасида ушбу касалликлар кўламини камайтириш ва

уларнинг асоратларини олдини олишга қаратилган. Стоматологик саломатлик даражаси тиббий – ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим бўғин бўлиб, у сифат ва миқдорий кўрсаткичлар билан ўлчанади. Аммо, стоматологик саломатликка қанча аҳамият берилмасин, унинг қониқарли ҳолатда бўлишига хавф соладиган соматик касалликлар мавжуд бўлиб, у бу кўрсаткичларни у ёки бу даражада бузилишига олиб келади. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 2 миллиардга яқин одам анемиядан азият чекади. Ахамиятлиси шундаки, бу касаллик билан кўпроқ болалар оғрийди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини маълумотларига қараганда 47,4 %

мактабгача ёшдаги, 25,4% мактаб ёшидаги болаларда анемиянинг у ёки бу шакли учрайди.

Анемия оғиз бўшлиғи ҳолатига жуда сезиларли таъсир қилиб, жиддий стоматологик муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун бу касалликнинг кечиши ва унинг оғиз бўшлиғи органларига таъсири ҳақидаги маълумотлардан болалар стоматологлари етарлича маълумотга эга бўлишлари керак. Стоматология соҳасидаги замонавий изланишлар орал саломатлик ва унинг бошқа метаболик, ҳамда тизимли касалликлар билан боғлиқлигини ўрганишга қаратилган. [1,3].

Оғиз бўшлиғи саломатлигини эътиборга олиш ушбу касаллик билан оғриган болаларни парвариш қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий касаллик стоматологик касалликнинг кечишини ҳам оғирлаштириши мумкин.

Пародонт касалликлари ва кариес ушбу туркумдаги беморлар орасида энг кўп учрайдиган сурункали стоматологик муаммо ҳисобланади. Пародонтдаги яллиғланиш фақатгина пародонт тўқимаси билан чегараланмай, тизимли равишдаги ўзгаришларни, шунингдек гингивит ва пародонтдаги оғир бузилишларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Темир танқислиги анемияси бу гемоглобин миқдорининг тушиб кетиши ва қоннинг темир боғловчи функциясининг пасайиб кетиши оқибатида келиб чиқадиган сурункали касаллик ҳисобланади. Ушбу касаллик бола организмида постнатал даврдан бошланиб, кейинчалик даврларда етарлича интенсив кечадиган касалликлар қаторига киради. Шунинг учун ушбу касалликни бола ҳаётининг турли даврларида аниқлаш мумкин бўлади. Қон ҳосил бўлиши механизмида боланинг бутун суяк кўмиги тузилишидаги барча элементлар иштирок этади. Шунинг учун қон ҳосил бўлиши жараёнида етарли миқдордаги темир билан бирга оксил, микроэлементлар ва витаминлар иштирок этиши зарур ҳисобланади. Шу билан биргаликда қон ҳосил бўлиш механизмига ҳатто арзимас даражада ҳам таъсир кўрсатувчи омиллар пайдо бўладиган бўлса, ёки турли дори моддаларини истеъмол қилиш, шунингдек темир моддасининг ичакда сўрилиши бузилса болада анемия келиб чиқиш хавфи ортади.

Клиник жихатдан қарайдиган бўлсак, бу биринчи навбатда кўпроқ терининг оқариши – рангпарлик, оғиз бўшлиғи шиллик қавати нормал кўринишининг йўқолиши, тил ва лабдаги ўзгаришлар билан кечади. Лаб бурчакларида ёрилишлар ва тиш милк чўнтақларидаги яллиғланиш ҳам шулар жумласидандир. Тишлар чиқиши вақтида яллиғланиш белгиларининг янада кучайиши, милк қонаши, тишларнинг кўп миқдорда кариес билан зарарланишлари ҳам

шулар қаторига киради. Шунингдек, бу белгилар билан бир қаторда энг муҳим ҳисобланган иммунитетдаги патологик ўзгаришлар бола ҳаётига маълум вақт хавф солади. Ўткир респиратор касалликлар билан тез – тез касалланиш ва пневмониянинг авж олишига ҳам олиб келиши мумкин.

Мақсад: Темир танқислиги мавжуд мактаб ёшидаги болаларда оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш ва стоматологик ҳолатга баҳо бериш, улар орасида стоматологик касалликларни олдини олиш.

Олдимизда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда биз ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда стоматологик касалликларнинг тиббий-ижтимоий аҳамиятини ўрганиш мақсадида сўровномада қатнашадиган болалар контингентини аниқлаб олиш ва улар ҳақидаги батафсил маълумотларни йиғиш;

- темир танқислиги анемияси билан оғриган болалар оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш, стоматологик текширувлар олиб бориш (ГИ, ПМА, ТЭР, КЭ);

- олинган маълумотларни мониторингини ўтказиш ва стоматологик ҳолатни баҳолаш;

Тадқиқот материали ва натижалар:

Болаларда оғиз бўшлиғи гигиенасини баҳолаш мақсадида сўровнома ўтказилди. Унга кўра олинган маълумотлар қуйидагиларни кўрсатди: Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда стоматологик ва оғиз бўшлиғи ҳолатини ўрганиш мақсадида Хоразм вилояти Ургенч тиббиёт бирлашмаси болалар бўлимида даволанаётган 92 нафар бола тадқиқот учун танлаб олинди. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган тиш кариеси ва унинг асоратлари мавжуд бўлган 92 нафар бемор болалар тиш кариесини комплекс профилактикасини анемияси мавжуд болаларда олиб бориш стоматологик беморлар касаллик варақаси ёрдамида ретроспектив сўровлар, клиник-стоматологик, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, папиляр, маргинал, алвеоляр индекс, кариеснинг тарқалиш ва жадаллик индекслари орқали текширишлар ўтказилди. Назорат остига олинган бемор болалар ёши ва жинсига қараб гуруҳларга бўлинди. Оғиз бўшлиғи органлари ва тўқималарида олиб борилган текшириш усуллари БССТ таснифи ва талаблари бўйича олиб борилди. Гигиеник ҳолатга баҳо бериш учун эса кўпроқ сўровнома натижаларига таяндик. Сўровномада қўйилган саволлар қуйидагиларни ўз ичига олди: болаларнинг кариес ҳақидаги тушунчалари, мавжуд бўлган зарарли одатлар, истеъмол қиладиган озиқ овқат маҳсулотлари, болаларнинг тиш шёткалари ва пасталари ҳақидаги тушунчалари, шунингдек оғиз бўшлиғи

гигиенаси хақидаги маълумотлари йиғилди. Оғиз бўшлиғи ҳолатига баҳо бериш учун БЖСС умумқабул қилинган меъёрларига мос олиб борилди. Стоматологик кўрсаткичлар эса стандарт усулларга мос олиб борилди. Гигиеник индекс Грин-Вермилион усулида аниқланди. Периодонт ҳолати эса милк индексига баҳо бериш бўйича олиб борилди. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати РМА индекси бўйича, шунингдек микрофлора ҳолати ҳам аниқланди.

Ота – оналардан, ҳамда болаларнинг ўзидан йиғилган анамнестик маълумотларга мос ҳолда уларнинг стоматологик саломатликка қанчалик аҳамият беришлари, ва тишга оид бўлган маълумотлардан қанчалик хабардор эканликлари хақида ҳулоса чиқариш мумкин эди. Шунингдек, биз тақдим этган сўровномада соғлом турмуш тарзи ва ҳаёт сифати хақидаги саволлар ҳам бор эди. Бундан мақсад темир танқислиги анемияси бор болаларнинг стоматологик саломатлиги билан бирга, психоэмоционал, ижтимоий, оилавий ҳолатига баҳо бериш эди. Улар хақидаги барча маълумотлар йиғилгач, улар истеъмол қиладиган озиқ – овқат маҳсулотлари балансини тўлдириш хақидаги тавсияларни ҳам бердик. Чунки темир танқислиги анемиясининг асосий профилактикаси бу эндоген профилактика бўлиб, ҳозирги вақтда бу ҳеч кимга сир эмас. Барча олиб борилган текшириш ва тушунтириш ишлари беморлар учун тушунарли ва оддий бўлиб, улар тушунишлари учун мураккаб эмас эди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, темир танқислиги анемияси билан оғриган болалардаги оғиз бўшлиғи гигиенаси хақидаги санитар гигиеник кўникма ва билимлари етарли эмас эди. Булардан: бир йилда бир марта стоматолог кўригига борадиган болалар – 28.7 %, фторидларни истеъмол қилиш (таблетка кўринишида) – 7%, тиш шёткаларини сақлаш – 0 %, тиш пасталарининг фтор сақловчиларидан фойдаланиш – 11,5 %, углеводларни кўп истеъмол қилиш – 97 %, тўлақонли баланслашган овқат маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш – 26 % ни ташкил қилди. Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати ҳам қониқарли эмас эди. Бу кўрсаткич беморларда ўртача 2,46 ни ташкил қилди. Кариеснинг учраши эса қуйидагича бўлди: кариеснинг компенсациялашган шакли – 20%, субкомпенсациялашган – 43%, декомпенсациялашган шакли – 37% ни ташкил қилди. Пародонт тўқималарининг динамикадаги ҳолати РМА кўрсаткичларига мувофиқ катарал гингивит кўп учради, бу ҳолат кўпроқ болаларнинг алмашинув тишлов даврига тўғри келганини кузатдик. Юмшоқ тиш қарашларини микрофлорага ўрганганимизда эса, беморлар аралаш сўлагига кўпроқ *St. Mutans* (65%) ҳолатда

учради. Бу эса темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларда кариеснинг келиб чиқиши учун асосий сабабчилардан бўлган микрофлоранинг устунлик қилишидан дарак берди.

Ҳулоса: Темир танқислиги билан оғриган болаларга кариес нима ва у қандай келиб чиқишини оддий ва содда қилиб тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Кариес келиб чиқиши учун сабаб бўладиган асосий омил бу-тиш қарашларидир. Оғиз бўшлиғи микроорганизмлари вақт ўтиши билан ўзидан тиш тўқималарини емирувчи органик кислоталар ишлаб чиқаради. Кислоталар таъсирида тишнинг эмал қавати юмшаб, микроблар тишнинг барча қаватларига янада чуқурроқ синга бошлайди. Озиқ овқатни тўғри танлаш, ширинликларни кам истеъмол қилиш кариес хавфини камайтиради. Тиш тўқималарининг мустаҳкам бўлиши учун кальций, фтор, ва Д витамини муҳим ўрин тутади. Болаларга овқат рационидан витаминлар, оксил моддалар ва микроэлементлар етарли даражада бўлиши кераклиги тушунтирилади. Тишларнинг мустаҳкам ривожланиши учун энг муҳими кальций ҳисобланади, у суяк учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қиладди. Кальций сут, пишлоқ, творог таркибида кўп бўлади. Сутқалик кальцийга бўлган эҳтиёж тахминан 1000 мг га тенг бўлади. Гўшт ва балиқ маҳсулотлари эса тушлик вақтида унинг миқдори тахминан 1000 гр ни ташкил қиладди.

Темир танқислиги анемияси билан оғриган болаларга тиш мустаҳкамлиги учун зарур бўлган фтор элементининг ҳам аҳамиятини тушунтирилади. Фтор тишларнинг реминерализациясини кучайтиради ва тишга мустаҳкамлик бериб, унинг ташқи қисмини емирилишдан сақлайди. У кислота ҳосил бўлишини камайтириб, бактерия метаболизмини ва ўз навбатида деминерализацияни ҳам пасайтиради. Ичимлик сувида фтор миқдори кам бўлса (0.7 мл/г дан кам), унинг миқдорини нормага етказиш, тишларида кариес бўлса фторланган сув ичиш тавсияси берилади. Кариес профилактикаси мақсадида таркибида фтор сақламайдиган препаратларни ҳам болаларга тавсия қилиш мумкин. Бу препаратлар самарадорлиги жихатидан фторли пасталардан қолишмайди. Агарда улар фторидли фторидлар билан биргаликда қўлланилганда яхши натижалар берилади. Мазкур препаратлар таркибида калций, фосфор, магний калий, натрий, органик моддалар, марганец, темир, рух, мис ва бошқа микроэлементлар мавжуд. Бу хилдаги пасталар ранги оқ порошок шаклида бўлиб, сувда яхши эрувчандир, уни эритма шаклида бошланғич кариес ва гиперестезияда қўллаймиз. Бу шаклдаги

пасталарни тишлар юзасига аппликация усулида хам суриш мумкин.

Адабиётлар:

1. Rahmatilloeyvna K. F. et al. Improving the Methods of Treatment and Prevention of Complications of Odontogenic Diseases of the Jaws in Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 6. – С. 168-171.
2. Rahmatilloeyvna K. F. et al. Comparative Characteristics of Surgical Methods for Fixing Bone Fragments of the Zygomatic Bone and Arch //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 6. – С. 46-48.
3. Kamalova F. R., Xamitova F. A., Safarova M. S. Application of autemotombocyte MASS in surgical dentistry //湖南大学学报 (自然科学版). – 2021. – Т. 48. – №. 7.
4. Kamalova F. R., Safarova M. S. Artificial feeding and dental health //湖南大学学报 (自然科学版). – 2021. – Т. 48. – №. 7.
5. Rahmatillaevna K. F., Umarovich S. S. Consequences Of Early Extraction of Deciduous Teeth in Children //Eurasian Medical Research Periodical. – 2021. – Т. 1. – №. 1. – С. 51-54.
6. Камалова Ф. Р. Первичная профилактика стоматологических заболеваний у детей страдающих с сахарным диабетом // Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 383-386.

7. RajabovA. A. Indications for the disease of inflammatory diseases of the dental system in children with examined cerebral palsy //european journal of modern medicine and practice. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 56-60

**МЕДИКО – СОЦИАЛЬНАЯ ОЦЕНКА
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ ДЕТЕЙ,
СТРАДАЮЩИХ ЖЕЛЕЗОДЕФИЦИТНОЙ
АНЕМИЕЙ**

Камалова Ф.Р., Жуманиязова М.М.

Резюме. Анемия — или пониженный уровень гемоглобина в крови — не самостоятельное заболевание, а симптом, который встречается достаточно часто. Во всем мире около 2 миллиардов людей страдает от анемии. Причем чаще всего симптом диагностируется у детей. По данным ВОЗ, анемия в той или иной степени присутствует у 47,4% дошкольников и у 25,4% детей школьного возраста. Анемия оказывает наиболее значительное влияние на состояние полости рта. Поэтому детские стоматологи должны быть осведомлены об особенностях течения заболеваний полости рта у детей с анемией. Современные исследования в области стоматологии направлены на выявление связи между оральным здоровьем и различными метаболическими и системными заболеваниями. Анемия среди детей - это один из наиболее распространенных нарушений в общей популяции и предрасполагающий к различным сопутствующим заболеваниям и осложнениям, влияющим на общее состояние здоровья.

Ключевые слова: железodefицитная анемия, стоматологическое здоровье, качества жизни.